

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҶАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11403413>

Талипов Арифжон Адилович

Ҳамкорбанк АТБ Миробод МБХО бошқарувчиси,
Тошкент Кимё ҳалқаро университети тадқиқотчиси

Аннотация. Уибұ тезисда тижорат банкларини трансформация қилишининг аҳамияти, унинг натижасида барча ахоли қатламларининг молиявий хизматларга бўлган талабини қондириши ва банк хизматларининг ҳудудий қамровини кенгайтириши жараёнлари ўрганилган. Шунингдек, мамлакатимиз тижорат банкларида раҷамли трансформацияни амалга ошириши бўйича илмий тақлиф ва амалий тавсиялар берилган.

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун корхоналар ва ахолини банк хизматларига бўлган талабини замонавий усуллар ва воситаларда қондириш лозим. Бунинг учун тижорат банклари фаолиятини замон талабларига биноан трансформация қилиш лозим. Акс ҳолда тижорат банклари бозорда ўз ўрниларни хорижий банкларга ва бошқа замонавий молия институтларига бўшатиб беришади. Таҳлилларга кўрсатадики, 2010 йиллардан бошлаб молиявий технологияларга асосланган финтеч компаниялари жаҳон молия бозорида фаоллаша бошлади. Бундай шароитда тижорат банкларини нафақат миллий иқтисодиёт доирасида, балки ҳалқаро молия бозорларида ҳам глобал рақобатга киришиши учун уларни фаолиятини раҷамли банкларга трансформация қилиш лозим.

Тижорат банкларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, уларнинг бизнес жараёнларини автоматлаштириш, масофавий банк хизматлари, шу жумладан, контаклиз тўловлар кўламини кенгайтириш, автоматлаштирилган скоринг тизими, раҷамли идентификация ва кредит конвейеридан кенг фойдаланиш, банк маълумотлари ва тизимларининг ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлаш каби масалалар ижобий ҳал қилиш мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Мавзуга оид муаммолар. Ҳозирги кунда мамлакатимизда тижорат банклари фаолиятини раҷамли трансформация қилиш доирасида амалга

оширилган тадқиқотлар натижасида қуидаги муаммолар мавжудлиги маълум бўлди:

- мамлакатимиздаги тижорат банкларининг давлат улушини кескин камайтириб, уларни фаолиятини йирик инвесторлар томонидан трансформация қилиш масалалари ўз ечимини топа олмаяпти;
- рақамли банк маҳсулотлари ва хизматларининг замонавий бозор талабларга етарли даражада мослашмаган;
- тижорат банклари нодепозит операцияларининг барча инструментларидан самарали фойдаланиш бўйича узок йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқарилмаган;
- банклардаги мавжуд дастурий таъминот тизимлари рақамли молия битимларини тузиш ва амалга тадбиқ этиш бўйича амалиёт ўтказишга мос эмас.

Муаммони ҳал қилиш усуслари. Ўзбекистон Республикасининг 2020-2025 йилларда банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида мавжуд тижорат банкларини комплекс ўзгартириш, банк фаолиятининг замонавий стандартлари, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш белгиланган. Шунингдек, зарур тажриба ва билимга эга бўлган инвесторларга давлат акциялари пакетларини танлов асосида сотиш, шунингдек, тижорат банклари ва давлат улуши бўлган корхоналарни бир вақтнинг ўзида ислоҳ қилиш йўли билан банк секторидаги давлат улушини камайтириш белгиланган¹. Бундан ташқари, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида банкларни хусусийлаштириш, камида 4 та йирик ва нуфузли хорижий банкларни банк бозорига жалб қилиш, халқаро миқёсда тан олинган банклар хизматларини жорий этиш каби вазифалар ижросини таъминлашда банк тизимини трансформация қилиш муҳим ахамиятга эга².

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли фармони. <https://lex.uz/docs/4811025>

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида” 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон фармони. <https://lex.uz/docs/6600413>

Сўнгги йилларда Ўзбекистон миллий банк тизими трансформацияси борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бунда хусусий банкларда асосий эътибор рақамли трансформацияга қаратилган бўлса, давлат иштирокидаги тижорат банкларининг трансформацияси икки йўналишда ташкил этилган. Биринчидан, банк капиталида давлат улушини камайтириш, иккинчидан, банклар фаолиятини рақамлаштириш.

Тижорат банкларини фаолиятини рақамлаштириш натижасида молиявий хизматларнинг оммавийлиги ошади, молия бозорида рақобат кучаяди, ва натижада аҳоли ва корхоналарнинг молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжи тез ва сифатли равишда замонавий усуллар ва воситалар ёрдамида қондирилади.

Тижорат банкларини халқаро молия институтлари кўмагида трансформация қилинмоқда. Бундан кутилаётган асосий натижалардан бири қатор тижорат банкларидаги давлат улушини қисқартириш, фаолиятга халқаро тажрибани жорий этиш, бу борада етарли тажриба, билим ва обрўга эга стратегик инвесторларни жалб қилишдан иборат. Бундан ташқари, ушбу ўзгаришлар кредит ташкилотларини ўзига хос бўлмаган функцияларни бажаришдан, яъни ортиқча юклардан озод қиласи.

Трансформация қилиш жараёнида маъмурий юкнинг банк фаолиятидаги юкламаларини изчил бартараф этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, тижорат банкларининг бизнес жараёнларини автоматлаштириш, масофавий банк хизматлари кўрсатишни кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган.

Илмий асосланган таклиф ва тавсиялар. Ўзбекистон тижорат банклари фаолиятини тизимни трансформация қилиш учун қуидаги таклиф ва тавсияларни амалга ошириш лозим:

1. Мамлакатимиз тижорат банкларини трансформация қилишни тезлаштириш учун, биринчи навбатда, уларда давлат улушини камайтириш лозим. Буни ундаги давлат улушини замонавий банк фаолиятини ташкил этиш тажрибасига эга бўлган стратегик инвесторларга сотиш лозим. Улар тижорат

банкларига замонавий менежмент, молиявий технологиялар ва банк хизматларини олиб киради.

2. Мамлакатимиз тижорат банкларининг асосий актив операцияси ва даромад манбай кредитлаш ҳисобланади. Шунинг учун кредитлаш операциясини рақамлаштириш орқали инновацион онлайн кредитлаш хизматларини ривожлантириш лозим. Ушбу кредит операцияларини рискини камайтириш учун тижорат банклари замонавий рақамли скоринг тизимларини яратиши лозим.

3. Тўловларни амалга оширишнинг муқобил каналлари сони ва турларининг ошиб боришига қарамасдан, банк карталари ва нақд пул орқали амалга оширилаётган операциялар ҳажми юқори даражада сақланиб қолмоқда. Мазкур ҳолат чакана хизматлар соҳасида банк карталари ҳисобвараклари орқали амалга оширилаётган операцияларни Super-app технологиялари орқали босқичма-босқич кенгайтириб бориш зарур.